

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАЁТОВ МИРВОХИД МИРЗОХИД ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economical Sciences**

Мирхаётов Мирвохид Мирзохид ўғли

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш 3

Мирхаётов Мирвохид Мирзохид угли

Совершенствование системы противодействия легализации доходов
полученных от преступной деятельности в коммерческих банках 25

Mirhayotov Mirvohid Mirzohid ugli

Improving the system of counteraction legalization of proceeds of crime in
commercial banks 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАЁТОВ МИРВОХИД МИРЗОХИД ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt837 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшов Мансур Пулатович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исроилов Баходир Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Асака» банк АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида (_____ рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Ҳ. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув ва сармоялар трансчегаравий оқимининг тезлашиши уюшган жиноятчиликнинг фаоллашувига шароит яратади. Жаҳон ҳамжамяти томонидан жиноятчиларга қарши курашиш чора-тадбирлари ноқонуний даромадлардан фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Халқаро миқёсда банк сектори учун мазкур хавфларнинг умумий миқёси банк операцияларини амалга ошириш бўйича бекор қилинган лицензиялар сони билан тавсифланади. Хусусан, биргина Россия Федерациясида 2009-2017 йиллар мобайнида жиноий йўл орқали олинган даромадларни «ювиш»га қарши курашиш доирасида бундай ноқонуний фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этган 133 та банк лицензияларидан маҳрум бўлди. Бунда АСВ Давлат корпорацияси шубҳали операцияларида иштирок этган «Мастер-Банк» КБ, «Пушкино» АБ, «Инвестбанк» АТБ ОАЖлари ва «БПФ» АБ ЁАЖДан лицензияларни олиб қўйиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий зарар 91,7 млрд. рублдан ортиқни ташкил этган. Бундан кўринадики, жиноий шахсларда «ноқонуний» пулларни «ювиш» операциялари деб номланган пул амалиётлари келиб чиқишининг қонуний тавсифини бериш бўйича турли услубларга нисбатан талаб юқориликча қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожланиб бориши билан бир қаторда блокчейн технологияларига асосланган криптовалюталардан фойдаланиш амалиётининг кенгайиши, хуфёна иқтисодиёт орқали ҳосил қилинган жиноятга оид молиявий ресурсларнинг турли виртуал технологиялар ёрдамида пул айланмасига жалб қилиниши жараёнлари кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, жиноятга алоқадор пулларни «ювиш» фаолияти учун жиноий схемалар доимий равишда мураккаблашиб бориши, ноқонуний операцияларни амалга ошириш ҳолатлари кўпайиши ҳамда транзит банк ҳисоб рақамларидан фойдаланиш эҳтиёжининг ортиши оқибатида банкларнинг жиддий иқтисодий йўқотишлари ва нуфузи пасайиши муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам 1991-2020 йилгача бўлган даврда қатор тижорат банкларида жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизимини тўғри ва самарали назоратини ташкил эта олмаганлиги сабабли лицензиялари бекор қилинган. Шунинг учун ҳам тижорат банкларида назорат қилиш механизмлари орқали олинаётган ахборотларни самарали таҳлил қила олиш, даромадларни жиноий йўл билан легаллаштиришга дахлдор операцияларни ўз вақтида аниқлаш, банкнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, банк ресурсларидан рационал фойдаланишга кўмаклашиш ҳамда стратегик мақсадларга эришиш учун уни узлуксиз ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боис Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида¹ ҳам иқтисодий жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕАГ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли фармонида илова. <https://lex.uz/docs/4751561>.

ФАТФ) билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш чоралари белгиланган. Шунга кўра, ноқонуний даромадлар олишга қарши курашиш, бутун миллий иқтисодиётнинг рақобат қобилиятини ошириш ва халқаро бозорларда мамлакатнинг мавқеини кучайтириш, жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш, яъни пул «ювиш» ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш (ПЮ/ТМҚК) тизимини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 660-II-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5446-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сонли фармонлари, 2018 йил 20 сентябрдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3947-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш муаммолари иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар томонидан бир неча ўн йилликлар мобайнида тадқиқ этилмоқда. Ушбу соҳадаги энг муҳим илмий ишлар қаторида Г.С.Беккер, М.К.Беляев, Е.Т.Гайдар, С.П.Глинкин, С.М.Ечмаков, Р.В.Жубрин, В.А.Зубков, Е.И.Ищенко, П.Лилли, Е.Л.Логиоров, Г.Г.Меликьян, О.Н.Мельников, Д.Е.Плисецкий, М.М.Прошунин, П.В.Ревенков, Д.Робинсон, Л.М.Тимофеев, Г.А.Тосунян, А.В.Улюкаев, О.В.Курныкин, О.И.Лаврушин каби олимларнинг ишларини қайд этиш мумкин. Улар томонидан «жиноий йўл орқали олинган даромадларни «ювиш» атамаси илмий амалиётга жорий этилган, жиноий схемаларни ташкил этиш бўйича умумий қонуниятлар аниқланган ҳамда асосан юридик нуқтаи назардан ПЮ/ТМҚК тизимларни ташкил этишга нисбатан базавий ёндашувлар ўрганилган.

Мазкур муаммо ўзбекистонлик олимлар томонидан алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмай, балки унинг айрим жиҳатлари иқтисодий хавфсизлик доирасида тадқиқ этилган. Жумладан, Н.Каримов, Б.Исроилов, И.Хотамов, А.Исломов, Х.Абдулқосимов, Д.Ортиқова, А.Ишмухаммедов,

Ф.Абдурахмонова, А.Ғаниев, Ф.Хамидова ва бошқаларнинг илмий ишланмаларида ушбу масаланинг айрим томонлари тадқиқ этилган².

Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари, халқаро ва миллий миқёсдаги ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили бу борадаги илмий аппарат етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини, ПЮ/ТМҚК тизимида бир қатор ҳал этилмаган муаммолари, унинг фаолият чегараларини аниқлашда ўзаро зиддиятли жиҳатлари мавжудлигини кўрсатди. Шу боис тижорат банкларида банк жараёнларини автоматлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ПЮ/ТМҚКнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинишини ривожлантириш талаб этилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда назорат механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ПЮ/ТМҚК миллий тизими» тушунчасини шакллантириш, унинг элементларини аниқлаш ва тавсифлаш, бу йўналишдаги халқаро тизимнинг тақсимот таркибини аниқлаштириш;

«ноқонуний йўл билан олинган пулларни ювиш» жараёнининг иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш;

жиноий йўл орқали олинган даромадларни «ювиш»нинг хуфёна бозорини, мазкур фаолиятнинг асосий жиноий схемаларини, умумий моделини таҳлил қилиш ҳамда мазкур жараёнларда кредит ташкилотлари иштирокининг олдини олиш учун жиноятчиларнинг ўзаро алоқа қилиш тавсифи ва тамойилларини аниқлаштириш;

ноқонуний йўл билан олинган пулларни «ювиш»га қарши курашиш бўйича миллий ва хорижий амалиётни тадқиқ этиш, кредит ташкилотларининг роли ва улар томонидан қўлланилаётган назорат қилиш механизмларини баҳолаш;

² Каримов Н., Исроилов Б., Хотамов И., Исломов А. Современная система противодействия отмыванию преступных доходов и финансированию терроризма. Учебное пособие. // Санкт-Петербургский политехнический университет Петра Великого, 2018.; Каримов Н. Роль банковского контроля в противодействии легализации незаконных доходов в Республике Узбекистан. // Неделя науки СПбПУ. 19-24 ноября 2018 года. Санкт-Петербургский Политехнический университет Петра Великого, 2018.; Каримов Н. Совершенствование национальной системы противодействия отмывания денег и финансирования терроризма в Республике Узбекистан. // Финансовые исследования. №4 (61), ноябрь, 2018. ISSN 1991-0525.; Хамидова Ф. Значение индикаторов экономической безопасности для регионов Республики Узбекистан. // Устойчивое развитие экономики: международные и национальные аспекты. Сборник материалов международной практической конференции. 18-19 апреля 2019 года. Полоцкий государственный университет Республики Беларусь, 2019; Ортикова Д. Иқтисодий хавфсизлик /Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. 150 б.; Абдулқосимов Х. Иқтисодий хавфсизлик /Ўқув қўлланма.– Т.:ТДИУ, 2018.; Ғаниев А. Институциональная стратегия формирования модели финансового мониторинга риска участия банка в процессах по легализации преступных доходов. //Сборник статей международной научно-практической конференции «Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития». – Ташкент-2019.

тижорат банкларида легаллаштиришга қарши назорат қилиш механизмларининг самарадорлигини баҳолашга нисбатан ёндашувни аниқлаш;

тижорат банкларида автоматлаштирилган, легаллаштиришга қарши намунавий моделни ўз ичига олган ПЮ/ТМҚК миллий тизимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети эса тижорат банкларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, статистик маълумотларни гуруҳлаш ва қайта ишлаш, қиёсий таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий ПЮ/ТМҚК тизими моделининг ташкилий-услубий қоидалари ишлаб чиқилган;

тижорат банкларида ПЮ/ТМҚК мақсадларида субъектив омилларнинг таъсирини пасайтириш, молиявий мониторинг сифатини ошириш ва мижозларни идентификациялаш, назоратни тақозо этувчи операцияларни аниқлаш, хабардор қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини берадиган ташкилий-таркибий модель таклиф этилган;

мамлакат ПЮ/ТМҚК тизимини таҳлил қилишда фаолият кўрсатаётган кредит ташкилотлари ҳолатини Марказий банк томонидан баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган;

мамлакат банк секторида жорий этиш учун ишлаб чиқилган жиноий йўл орқали олинган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва ахборот бериш бўйича эгилувчан, универсал ва автоматлаштирилган тизим (АЙСПОД) дастурини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПЮ/ТМҚК тизимини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берувчи омиллар аниқланган;

тижорат банкларида легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган ички назоратни автоматлаштириш ва баҳолаш юзасидан чора-тадбирлар мажмуаси ҳамда тегишли қонунчиликка қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

банкларга ноқонуний йўл билан олинган пулларни «ювиш» бўйича операциялар ва уларда иштирок этган мижозлар фаолияти таҳлил қилиш тезлигини ошириш мақсадида ПЮ/ТМҚК махсус тизимни жорий этиш орқали ички назорат механизмларини автоматлаштириш таклифи асосланган;

ваколатли органлар билан ахборот алмашинувини сезиларли даражада соддалаштириш ҳамда легаллаштиришга қарши назоратни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни камайтириш йўллари таклиф этилган;

тижорат банкларида ички легаллаштиришга қарши назорат самарадорлиги бўйича махсус мезонлар ва индикаторлар ишлаб чиқилган;

банклар томонидан ички аудитни амалга ошириш ҳамда ПЮ/ТМҚК миллий тизими самарадорлигини таҳлил қилиш, аудиторлик фирмалари томонидан кредит ташкилотининг шубҳали операцияларини амалга оширишга жалб этилганлик эҳтимолини баҳолаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги бу жараёнда маълумотлар расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ҳисоботларидан олинганлиги, тегишли хулоса ва таклифларни шакллантиришда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид меъёрий ҳужжатлар, мамлакат олимлари ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмаларидан фойдаланилганлиги ҳамда тижорат банкларида ички назорат тизимини такомиллаштиришда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда ҳамда мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий ПЮ/ТМҚК тизими моделининг ташкилий-услубий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Тошкент шаҳар «Пойтахт Банк» акциядорлик жамияти амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 2913-19-сонли, Тошкент шаҳар «Пойтахт Банк» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 октябрдаги МТ 10-43/1094-сонли маълумотномалари). Мазкур қоидалар амалиётга жорий этилиши жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг ташкилий-услубий моделини такомиллаштириш имконини берган;

тижорат банкларида ПЮ/ТМҚК мақсадларида субъектив омилларнинг таъсирини пасайтириш, молиявий мониторинг қилиш сифатини ошириш ва мижозларни идентификациялаш, назоратни тақозо этувчи операцияларни аниқлаш, хабардор қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини берадиган ташкилий-таркибий модель Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Тошкент шаҳар «Пойтахт Банк» акциядорлик жамияти амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 2913-19-сонли, Тошкент шаҳар «Пойтахт Банк» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 октябрдаги МТ 10-43/1094-сонли маълумотномалари). Мазкур қоидалар амалиётга жорий этилиши жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда молиявий мониторинг қилиш сифатини ошириш ва мижозларни идентификациялаш, назоратни тақозо этувчи операцияларни аниқлаш, хабардор қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини берган;

мамлакат ПЮ/ТМҚК тизимини таҳлил қилишда фаолият кўрсатаётган кредит ташкилотлари ҳолатини Марказий банк томонидан баҳолаш услубияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банки амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 2913-19-сонли, «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банкининг 2019 йил 15 октябрдаги 03-01-16/1357-сонли маълумотномалари). Мазкур қоидалар амалиётга жорий этилиши тижорат банкларининг жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими самарадорлигини баҳолаш услубиятларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш имконини берган;

мамлакат банк секторида жорий этиш учун ишлаб чиқилган жиноий йўл орқали олинган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва ахборот бериш бўйича эгилувчан, универсал ва автоматлаштирилган тизим (АЙСПОД) дастурини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банки амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 2913-19-сонли, «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банкининг 2019 йил 15 октябрдаги 03-01-16/1357-сонли маълумотномалари). Мазкур қоидаларнинг амалиётга жорий этилиши жиноий йўл орқали олинган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва ахборот бериш бўйича эгилувчан, универсал ва автоматлаштирилган тизим (АЙСПОД) дастурини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида 14 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналлари ва илмий-амалий анжуманлари маърузалари тўпламларида 10 та, халқаро журналларда 2 та илмий мақола, 1 та монография чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Эълон қилинган Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон банк тизимида ноқонуний даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг назарий ва институционал асослари**» деб номланган биринчи бобида «пул «ювиш» ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш (ПЮ/ТМҚК) тизими» тушунчаси ва унинг асосий элементлари, ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда банк назоратининг ўрни ва роли, банк соҳасида ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши ҳаракатлар тизимини тузиш бўйича халқаро стандартлар тадқиқ этилган.

Муаллиф «ноқонуний даромадларни легаллаштириш «ювиш» тушунчасининг асосий тўртта жиҳатини яъни моддий, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқишни тавсия этади. Моддий жиҳатидан легаллаштириш «ювиш» ноқонуний йўл билан олинган турли хил мол-мулк (пул маблағ)ларини молия институтларига жойлаштириш, мазкур мол-мулк (пул маблағ)лари билан турли операцияларни бажариш ва мол-мулк (пул маблағ)ларини расмий иқтисодиётга интеграция қилиш жараёнини намоён этади.

Иқтисодий жиҳатдан легаллаштириш «ювиш» ноқонуний йўл билан олинган мол-мулк (пул маблағ)ларини хуфёна иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтишини намоён этади. Молиявий жиҳатдан у молиявий операцияларни ўзида намоён этиб, унинг мақсади кейинчалик расмий фойдаланиш учун ноқонуний йўл билан олинган пул маблағлари манбаларини яширишдан иборат. Ҳуқуқий жиҳатдан легаллаштириш «ювиш»га ноқонуний йўл билан олинган пул малағлари ёки бошқа мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этишга расмий мақом бериш сифатида қараш лозим.


Пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини тадқиқ этиш жараёнида уни миллий ва халқаро тизимга ажратиб, халқаро ПЮ/ТМҚК тизими уч поғонали тузилмага эга, деган хулосага келинган (1-расм).



1-расм. Халқаро ПЮ/ТМҚК тизими декомпозицияси³.

Муаллиф фикрича, халқаро ПЮ/ТМҚК тизими – давлат ва ташкил этилган халқаро ташкилотларнинг ПЮ/ТМҚК соҳасида умумий меъёр, стандарт, қоида ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган уюшган фаолиятини кўзда тутувчи тизим.

Миллий ПЮ/ТМҚК тизими – белгиланган миллий ҳуқуқий база ва халқаро стандартлар доирасида фаолият кўрсатаётган, жинойий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган назорат ва молиявий мониторинг қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳаларида давлат институтлари ҳамда молиявий воситачилари махсус ички бўлинмаларининг мураккаб уюшган ҳолдаги ўзаро алоқасидир. Миллий ПЮ/ТМҚК тизимини чуқурроқ таҳлил қилиш учун унинг таркибий-функционал хусусиятларини батафсил кўриб чиқиш таклиф этилди (2-расм).




2-расм. Миллий ПЮ/ТМҚК тизими модели⁴

³ Муаллиф томонидан тузилган.

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Муаллиф ҳар қандай миллий ПЮ/ТМҚК тизимини учта блок йиғиндиси сифатида талқин қилиш мумкинлигини таъкидлайди ва миллий ПЮ/ТМҚК тизими ташкилий-функционал моделининг қуйидаги шаклини таклиф этади (3-расм).



3-расм. Миллий ПЮ/ТМҚК тизимининг ташкилий-функционал модели⁵

Халқаро ПЮ/ТМҚК тизими – молиявий воситачилар ПЮ/ТМҚК кичик тизимининг учинчи (агентлик) поғонаси молиявий воситачилар (улар асосан банкларни ўзида намоён этади) ПЮ/ТМҚК кичик тизимларидан таркиб топган. Уларнинг вазифаларига миқдорларни пухта текшириш, шубҳали операцияларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли маълумотларни МҚБга тақдим этиш киради. ПЮ/ТМҚК кичик тизимидаги маълумотлар ҳам миллий қонунчилик, назорат қилувчи органларининг меъёрий ҳужжатлари ва ташкилотнинг ички қоидалари билан чекланган.

Ноқонуний даромадларни «ювиш»га қарши курашиш учун жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш зарурати келиб чиқиб, у мамлакат иқтисодиётининг бир меъёрда ишлаши учун зарур шарт сифатида молия соҳасида самарали назорат, ташкил этиш даражасидан қатъи назар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш қарши курашиш тизимидаги барча элементларнинг биргаликда ишлаш механизмларини мувофиқлаштириш ва таъминлашни ўз ичига олиши лозим.

Халқаро талаб ва тавсияларга кўра, ПЮ/ТМҚК мақсадларида банкда ички назорат жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши лозим:

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

мижоз ва фойда эгасини идентификация қилиш;

мижоз ва унинг операциялари тўғрисидаги бирламчи ахборотларни қайд этиш ва сақлаш;

ПЮ/ТМ ўтказмаларини аниқлаш учун олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

МҚБга янада кўпроқ маълумот бериш.

ПЮ/ТМҚК мақсадларида банк назоратига тизимли (иккиланган) таъриф бериш таклиф этилади, чунки у мамлакат банк тизимининг икки (юқори ва қуйи) поғоналарида амалга оширилади:

юқори поғонада ПЮ/ТМҚК мақсадлари асосланган банк назорати – бу кредит ташкилотлари томонидан ноқонуний даромадларни легаллаштириш «ювиш» ва терроризмни молиялаштириш юзасидан кўрилган чоралар қонунга зид эмаслиги, мақсадга мувофиқлиги ва етарлилиги бўйича Марказий банк назорати бўлиб, у бутун банк тизимида тизимли рисклар юзага келишининг олдини олишга қаратилган;

қуйи поғона ПЮ/ТМҚК мақсадларига қаратилган банк назорати – кредит ташкилотларининг ноқонуний даромадларни легаллаштириш «ювиш» ва терроризмни молиялаштириш бўйича рискларни камайтириш мақсадида мижозлар ва улар томонидан амалга ошириладиган операциялар устидан назорат юритишга асосланган қоида ва ҳаракатлар йиғиндисидир.

Миллий қонунчиликни ва институционал механизмларни ягона халқаро стандартлар негизда уйғунлаштириш ноқонуний даромадларни ««ювиш»»га қарши самарали ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради.

Ҳозирги кунда ПЮ/ТМҚК соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллашда асосий роль иқтисодий жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича халқаро гуруҳ (ФАТФ)га юклатилган. Пулларни «ювиш» га қарши курашиш бўйича барча жиҳатларни қамраб олиш зарурати ФАТФ томонидан ишлаб чиқилган 40 та тавсияда ўз аксини топган. Улар давлатлар қўллаши лозим бўлган комплекс ва изчил чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олган.

Халқаро банк фаолияти доирасида самарали банк назоратини амалга ошириш асослари Банк назорати бўйича Базел қўмитаси (БНБК) (1997, 2006, 2012 йй.) томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назоратининг асос солувчи тамойилларига асосланади.

Шуни айтиш жоизки, етакчи хорижий банклар фаолиятида ФАТФ томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартлардан ташқари Халқаро банк ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган директива (қоида)лар, ПЮ/ТМ муаммоларни ечиш учун хусусий банк секторида – Австрияда Вольфсберг шаҳрида 11 та энг йирик банк томонидан 2000 йил 30 октябрда (2002 ва 2012 йилларда қайта кўриб чиқилган) қўлланма ҳужжатлар сифатида расмийлаштирилган ҳамда мазкур муаммоларни ечиш бўйича таянч нуқтасидаги тартиб-тамойил ҳисобланган Вольфсберг тамойиллари ҳам қўлланилади. Тамойиллар, ўз моҳиятига кўра, Интерпол ҳамда ФАТФ номидан Берлиндаги Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти фикрларини инобатга олган ҳолда БМТ нуқтаи назаридан расмийлаштирилган.

Диссертациянинг «Тижорат банкларида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш «ювиш» ва терроризмни молиялаштириш (ПЮ/ТМҚК)га қарши курашишнинг амалдаги тизими таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакатда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича мавжуд амалиёт ва унда тижорат банкларининг роли таҳлил этилган, жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини баҳоланган хорижий мамлакатларда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маҳаллий ПЮ/ТМҚК амалиётида мунтазам равишда тўлдириб борадиган ягона экстремизм ва терроризм фаолиятига алоқадор бўлган шахс ва ташкилотлар базаси йўқ, чунки юқорида кўрсатилган асослар жиноят содир этилгандан кейин ҳисобга олинади ва қатъий мажбурий тавсифга эга эмас. Бу эса операциялар мониторинги, мижозларни идентификация қилиш амаллари самарадорлигини пасайтиради.

Тадқиқотчининг фикрича, операция ва мижозлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш оператив тарзда тўлдирадиган халқаро ва бирхиллаштирилган экстремизм ёки терроризм фаолиятига алоқадор бўлган ташкилот ва жисмоний шахслар рўйхатига асосланиши лозим.

Шу билан бирга ҳозирги кунда бенефициар эгасини идентификация қилиш тартиби ўрнатилмаган. Таъкидлаш жоизки, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасида мижозни бенефициар эгасини идентификация қилиш белгиланган, лекин, унинг механизми ишлаб чиқилмаган.

Бундан ташқари мазкур қонунга мувофиқ банклар ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат қоидалари (ИНҚ)ни ишлаб чиқиши, ИНҚни амалга ошириш бўйича жавобгар бўлган мансабдор шахсларни аниқлаши ҳамда кўрсатилган мақсадларда бошқа ички ташкилий чора-тадбирларни қабул қилиши лозим.

Тадқиқотларга асосан хорижий мамлакатларда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларига эга деган хулосага келинди. ПЮ/ТМҚК тизимини ташкил этиш хорижий амалиётини (Европа ва Америка тажрибасини) таҳлил қилиб, шундай хулосанинг чиқариш мумкинки, мазкур хавф-рискка қарши курашиш бўйича энг такомиллашган ва самарали механизм АҚШда ишлаб чиқилган, энг эркинлашган механизм эса Швейцарияда кузатилган, бу эса мазкур давлатга хосдир, чунки у оффшор банк ҳудуди ҳисобланади. Бунда, тадқиқотнинг биринчи бобида миллий ПЮ/ТМҚК тизими моделлари таклиф этилганидек, халқаро стандартлар, тавсия ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қўлланилаётган аксарият давлатлар айрим

хусусиятларга эга бўлган уч поғонали миллий ПЮ/ТМҚК тизимига эга. Тадқиқотчининг фикрича, уларни мамлакат давлат органлари амалиётида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, FATCA эксхудардий Америка қонуни жорий этилиши билан давлатлар томонидан миллий қонунчиликнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг солиқ органларида ахборотлар алмашиш ва банк сирини сақлаш қисмини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Муаллифнинг баҳолашича, халқаро ПЮ/ТМҚК тизими жаҳон ташкилотида ҳам нафақат солиқ тўлашдан бош тортган шахслар, балки жиноий йўл орқали олинган бошқа даромадларни легаллаштириш бўйича операцияларни амалга оширувчи шахслар тўғрисида маълумотлар билан интенсив алмашиш қисмида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Шу билан бир қаторда, жаҳон банк тизимини қайта ислоҳ қилиш шароитида республикада ПЮ/ТМҚК тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан олдин унинг жорий ҳолатида мавжуд бўлган камчиликларни чуқур таҳлил қилиш, тизим самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш ва таклиф этиш зарур.

Шу мақсадда тадқиқот натижасида ПЮ/ТМҚК тизими самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган муаллифлик услубияти таклиф этилди.

Муаллиф фикрича, мамлакатдаги жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими самарадорлиги тежамлилиқ, мақсадга мувофиқлилиқ ва назоратнинг натижавийлиги орқали баҳоланиши лозим. Тежамлилиқ унинг барча элементлари бўйича талаб этиладиган ишлаш сифатини сақлашда тизимни тузиш ва фаолиятни қўллаб-қувватлашга сарфланган харажатларни камайтириш сифатида кўриб чиқилади. Мақсадга мувофиқлик назоратни олиб бориш, хавфсизликни ва оптимал рискни таъминлашда мавжуд ресурслардан олинган оптимал натижани англатади.

Тижорат банларнинг ПЮ/ТМҚК тизими бўйича таркибий бўлинмаси самарадорлигини баҳолашда ташкилот томонидан аниқланган хатолар ва ташқи назоратчилар ҳамда назорат органлари томонидан текшириш жараёнида аниқланган хатоларнинг нисбатларидан фойдаланиш даркор. Мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан бу жараён салбий воқеаларнинг олдини олиш ва уларнинг сабабларини аниқлашга қаратилганлиги бўйича назорат имкониятларини баҳолаши лозим. Натижавийлик давлатнинг ҳам умумий, ҳам ўта деталлашган мақсадларга эришиш даражасини акс эттиради.

Банкларда ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назоратга оид чора-тадбирлар сифати ва ҳолатини тавсифлай оладиган қуйидаги махсус мезон ва кўрсаткичлар келтирилган (1-жадвал).

Тижорат банкларида ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат бўлинмаларининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш⁶

Кўрсаткич (индикатор)лар	Кўрсаткич (индикатор)нинг қиймати	Кўрсаткич (индикатор)нинг вазни (f_i)
1. Ҳисобот даврида мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашдаги хатолар сони	$r \in N$ (бирл.)	25
2. Ҳисобот даврида шубҳали операцияларни аниқлашдаги хатолар сони	$r \in N$ (бирл.)	6,25 %
3. Ҳисобот даврида миждоз ва фойда олувчиларни идентификация қилишдаги хатолар сони	$r \in N$ (бирл.)	6,25 %
4. Ҳисобот даврида назоратчи томонидан мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашдаги хатолар сони	$r \in N$ (бирл.)	6,25 %
5. Ҳисобот даврида назоратчи томонидан шубҳали операцияларни аниқлашдаги хатолар сони	$r \in N$ (бирл.)	6,25 %
6. Ҳисобот даврида ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат қоидаларининг назоратчи талабларига мувофиқлиги	1 – мувофиқ эмас 0 – мувофиқ	50 % 0 %

$$R = \sum_{i=1}^6 \frac{r_i \times f_i}{100}$$

Бу ерда: r_i – i кўрсаткич (индикатор)нинг қиймати;

f_i – i кўрсаткич (индикатор)нинг вазни;

R – кредит ташкилотида ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат тизимининг ишлаш самарадорлиги кўрсаткичи. Уларнинг қийматлари қуйидаги оралик (меzon)ларга мос келади:

$R_{\text{куйи}} \in [0,5; \infty)$ – самарадорлик даражаси паст;

$R_{\text{қониқарли}} \in [0,25; 0,5)$ – самарадорлик даражаси қониқарли;

$R_{\text{юқори}} \in [0; 0,25)$ – самарадорлик даражаси юқори.

Бунда ҳар бир кўрсаткичнинг вазни қуйидаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади: Ҳисобот даври қонун билан белгиланган кредит ташкилотларига таъсир кўрсатиш чорасига – «Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш «ювиш» ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасида кўзда тутилган талабларни бир йил давомида бир мартадан ортиқ (икки ва ундан ортиқ) бузиш туфайли банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтаришга мувофиқ ҳолда шартли равишда 1 йил деб олинди.

Шундай қилиб, мазкур даврни ҳисобга олган ҳолда 1-кўрсаткичнинг вазни 25% га тенг. Агар индикаторнинг қиймати «ҳисобот даврида мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашда хатолар сони» (r_1) 2 га тенг бўлса, 1-формула бўйича қайта ҳисобланганда ички назорат тизимининг ишлаш самарадорлиги кўрсаткичи 0,5 қийматга тенг бўлади, яъни $R_{\text{куйи}} \in [0,5; \infty)$ ораликқа

⁶ Муаллиф ишланмаси.

тушади, назорат эса хаттоки қониқарли кўрсаткичлар (2-6) шароитида самарасиз деб ҳисобланади.

6-кўрсаткичнинг вазни (50%) ҳам худди шундай тарзда аниқланган. Унга кўра, агар ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат қоидалари назорат қилувчининг талабларига мувофиқ бўлмаса, кўрсаткичнинг қиймати 1 га тенг бўлади, ички назорат тизимининг ишлаш самарадорлиги (R) 1-формула бўйича 0,5ни ташкил этади, яъни назорат хаттоки қониқарли кўрсаткичлар (1-5) шароитида ҳам самарасиз деб ҳисобланади. Катта аҳамиятга эга бўлмаган қолган тўртта (2-5) кўрсаткичнинг вазни қуйидагича ҳисобланади:

$$f_{2-5} = (100\% - f_1 - f_2) / 4 = 25\% / 4 = 6,25\%.$$

Бутун мамлакатда ПЮ/ТМҚК тизимининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш учун бу ҳолатини баҳолаш бўйича муаллифлик услубияти таклиф этилган. У мамлакатда фаолият кўрсатувчи кредит ташкилотларини битта жойга тўплаш ва қуйидаги 2-формула ёрдамида ўртача арифметик қийматни ҳисоблашга асосланади:

$$P = \frac{\sum R_i \times N}{\sum N_i}$$

Бу ерда: R_i – қуйидаги қийматларга мувофиқ ҳолда банкнинг ПЮ/ТМҚК мақсадларида ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш:

$R_{\text{куйи}} = 0$ балл; $R_{\text{қониқарли}} = 1$ балл; $R_{\text{юқори}} = 2$ балл;

N_i – мамлакатдаги i қиймати билан баҳоланган кредит ташкилотларининг сони;

P – миллий ПЮ/ТМҚК тизимининг самарадорлик кўрсаткичи. Уларнинг қийматлари қуйидаги оралик (мезон)ларга мос келади:

$P_{\text{куйи}} \in [0; 0,67)$ – самарадорлик даражаси паст;

$P_{\text{қониқарли}} \in [0,67; 1,33)$ – самарадорлик даражаси қониқарли;

$P_{\text{юқори}} \in [1,33; 2)$ – самарадорлик даражаси юқори.

Кўрсатилган кўрсаткичлар ҳам ПЮ/ТМҚК бўйича бўлинманинг, ҳам бутун банкнинг ишлаш самарадорлигини акс эттириши мумкин. Бироқ, бутун мамлакат ПЮ/ТМҚК тизимини баҳолаш учун битта тижорат банки тўғрисидаги маълумот етарли эмас. Шунининг илоҳатида олиб, Марказий банк иштироки билан тижорат банкларини натижавийлик ва мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан батафсил тадқиқ этиш кўзда тутилади.

Тежамлилик кўриб чиқилганда шунининг илоҳатида олиш лозимки, назорат фаолияти жараёнилиги билан тавсифланади, шу боис авваламбор назорат жараёни тежамли бўлиши лозим. Масалан, АҚШда ПЮ/ТМҚК тизими унинг маълумотлари автоматлашган ва бир жойда тўпланганлиги туфайли тежамли ҳисобланади, чунки у шубҳали операция ва шахсларни текшириш билан давр ва моддий харажатларни сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Назоратни ташкил этиш учун сарфланган харажатлар уни амалга оширишдан келадиган мумкин бўлган самара билан таққосланиши лозим, назоратни олиб боришга сарфланган харажатларнинг қиймати аниқлай олиниши ёки бартараф эта олиниши мумкин бўлган зарарлардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин эмас. Текшириш қиймати номувофиқликларни бартараф этишдан олинган

самарадан ошмаслиги лозим. Мазкур қоидага амал қилишда риск даражасини аниқлаш учун мезонлар ва турли шартлар учун рискнинг чегаравий миқдорлари билан тавсифланадиган операцияларга хос бўлган хато ва хатарнинг аҳамиятлилигини эътиборга олиш зарур.

Бундан ташқари, шуни эътиборга олиш лозимки, турли давлатлар хуфёна бозори, ижтимоий зиддиятли, сепаратизм ва экстремизм даражаси турли индивидуал сиёсий ва иқтисодий ҳолатга эга. Мазкур омиллар энг самарали тизимни аниқлаш учун миллий ПЮ/ТМҚК тизими ишлашининг миқдорий натижаларини солиштиришни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Мамлакат ПЮ/ТМҚК тизимини хорижий аналоглари билан сифат жиҳатдан солиштирганда, шундай хулоса қилиш мумкинки, унинг ташкилий ва институционал асоси халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Масалан, халқаро тавсиялар асосида «Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш «ювиш» ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни тизимнинг ташкилий-таркибий моделини белгилаб беради. Қонунчилик билан белгиланган мезонлар асосида ташкилотлар мазкур операцияларнинг доимий мажбурий назоратини амалга оширади ва улар ҳақида ваколатли орган – Иқтисодий жинойтчиликка қарши курашиш департаментини хабардор қилади. Мазкур орган бошқа давлатларда миллий молиявий разведка бўлими (МРБ) сифатида марказий ўрин эгаллайди. Бироқ, унинг фаолиятида бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, Департамент фақатгина кредит ташкилотларининг ҳам мажбурий, ҳам ўз хоҳиши билан мустақил тарзда тақдим этилаётган шубҳали операциялари тўғрисидаги ахборотларини таҳлил қилади. Шу боис банклар томонидан даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар содир этилган ҳолатларни қасддан яшириш ва тегишли ҳисоботларни юбормаслик хавфи мавжуд. Бундан ташқари, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган битимларнинг чегаравий қийматлари қонунчиликда акс эттирилган. Бу эса жинойтчилар томонидан ўзлари ««ювиш»га оид схемаларини ишлаб чиқишда фаол қўлланилмоқда. Умуман олганда, бутун маҳаллий ПЮ/ТМҚК тизими деярли молия муассасалари ходимлари томонидан субъектив баҳоланади ва улар олиб борилаётган операцияларга асосланган ҳолда ташкил этилади, бу эса пировардида унинг самарадорлигида акс этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, банкнинг ПЮ/ТМҚК бўйича алоҳида таркибий тузилмалари ҳамда бутун мамлакат ушбу тизимининг ишлаш самарадорлигини янада сифатли таҳлил қилиш учун муаллиф томонидан таклиф этилган махсус мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

